



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 6 » oktabr

№ 530

Toshkent sh.

Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Жаҳонда қучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Республикада оммавий тадбирларни ташкил этишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси органларига юклangan бўлиб, ушбу жараёнларда масъул вазирлик ва идоралар куч ҳамда воситаларининг биргаликдаги ҳаракатларини самарали ташкил этиш ҳамда уларнинг ҳар бирининг аниқ вазифаларини белгилаб бериш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳамда Ички ишлар вазирлигининг оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалари, ҳукуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуига **2-илованинг 101-бандида** оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган сифатида **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги** белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва ўни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонининг 3-бандида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишида ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари томонидан амалга оширилиши** назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

оммавий тадбирларни, уларнинг аҳамияти, қўлами ва улар ўтказиладиган ҳудудга боғлиқ ҳолда алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифалардаги тадбирларга бўлинишини белгилаш;

оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссияларининг фаолиятини ички ишлар органлари хузурида ташкил этиш ҳамда уларнинг таркиби, мақоми ва ваколатларини белгилаш;

алоҳида ва иккинчи тоифалардаги оммавий тадбирларни ўтказишида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирлари ички ишлар органлари, биринчи тоифадаги оммавий тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари томонидан амалга оширилишини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни икки ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “6” октябрдаги 530-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларида:

а) 3-бандда:

куйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“алоҳида тоифадаги оммавий тадбир – “Янги йил”, “Наврӯз байрами”, “Мустақиллик куни”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш”, “Рўза ҳайит” (Ийд ал-Фитр), “Курбон ҳайит” (Ийд ал-Адҳа), “Рождество Христово”, “Пасха” байрамларини нишонлашга доир тадбирлар, таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказиш, умумтаълим мактабларида ўкув йилининг бошланиши ва тугашига бағишлиланган, сайлов ва референдумларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган тадбирлар ҳамда футбол бўйича халқаро миқёсдаги учрашувлар”;

тўртинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи – еттинчи хатбошилар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“биринчи тоифадаги оммавий тадбир – Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари ҳудудида ўтказиладиган алоҳида тоифадаги оммавий тадбир тоифаларига кирмайдиган оммавий тадбир;

иккинчи тоифадаги оммавий тадбир – алоҳида ва биринчи тоифадаги оммавий тадбирлар тоифасига кирмайдиган оммавий тадбир;

оммавий тадбирни ўтказиш обьекти – оммавий тадбирларни ўтказиш учун маҳсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнфинга қарши техник ҳимоя воситалари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш, коммуникация, мухандис-техник ҳимоя воситалари ва оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимлари билан жиҳозланган, алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш обьектлари рўйхатларига киритилган очиқ жой участкалари, бинолар, иншоотлар, шунингдек, оммавий тадбирлар ўтказишга қулай бўлган кенг майдонлар (маданият-маърифат муассасалари, спорт мажмуалари, тарихий обидалар, далалар, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бошқалар)”;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ваколатли орган – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)”;

б) қуйидаги мазмундаги 5¹, 5² ва 5³-бандлар билан тўлдирилсин:

“5¹. Рухсатномаларни бериш ёки рухсатномалар беришни рад этиш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, амал қилишини тўхтатиш ёхуд рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ва ваколатли органлар томонидан кўриб чиқишга киритиш, шунингдек, оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш ваколатли орган ҳузурида ташкил қилинадиган оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссиялари (кейинги ўринларда – комиссиялар) томонидан амалга оширилади.

Комиссиялар тартибига Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғликни саклаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, оммавий тадбирларнинг турига кўра бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари вакиллари ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш объекти маъмурияти (келишув асосида) киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги комиссиялар тартибига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари киради.

Комиссиянинг тартиби ва унинг иш регламенти ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Комиссия йиғилишлари зарурат бўлганда ўтказилади.

Комиссияга ваколатли орган раҳбарининг ўринбосари раислик қиласи.

5². Комиссия:

рухсатнома бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқади;

рухсатнома бериш ёки рухсатномалар беришни рад этиш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди ва ваколатли органлар томонидан кўриб чиқишга киритади;

оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибига риоя этилишини назорат қиласи;

бевосита жойига чиқсан ҳолда, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятида ва оммавий тадбирнинг ташкилотчисида уни ўтказиш учун талаб қилинадиган шароитларни текширади, бундай текширувларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ташкил қиласи, зарур хulosалар ва маълумотларни тақдим этиш учун манфаатдор ташкилотларнинг малакали мутахассислари ва эксперtlарини келишилган ҳолда жалб қиласи.

5³. Ўз вазифаларини бажаришда комиссия бевосита жойига борган ҳолда, оммавий тадбирни ўтказиш обьектининг маъмуриятида ва оммавий тадбирнинг ташкилотчисида уни ўтказиш учун талаб қилинадиган шароитларни текшириш, бундай текширувларни амалга ошириш учун ишчи гурухлар ташкил қилиш, зарур хulosалар ва маълумотларни тақдим этиш учун манфаатдор ташкилотларнинг малакали мутахассислари ва экспертларини белгиланган тартибда жалб қилиш хукуқига эга”;

в) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Оммавий тадбирларни ўтказишида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирлари:

алоҳида ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан манфаатдор давлат органлари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади;

биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Оммавий тадбирларни ўтказишида жамоат хавфсизлигини таъминлаш заруриятини инобатга олган ҳолда, ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг асослантирилган сўровига асосан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур микдордаги куч ва воситалари ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ва Миллий гвардиясининг ҳудудий бўлинмалари ўзларига бириклирилган алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида, жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш мақсадида манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг биргаликда қабул қилган қарорида белгиланган тартибда ҳамкорликдаги режалар (намунавий) ишлаб чиқиш ҳамда обьектларда тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эвакуация қилиш, коммуникация, видеокузатув, замонавий мухандис-техник ҳимоя воситалари, ёнгин ва техник хавфсизлиги ҳамда атрофни ёритиш тизимларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир обьектнинг хавфсизлигини таъминлаш паспортини ишлаб чиқади”;

г) 38-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ишчи гурух таркибига оммавий тадбирни ўтказиш обьектининг тоифаси, хусусиятларини, унинг характерини ва иштирокчиларнинг сонини хисобга олган ҳолда ваколатли орган, ҳудудий ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш обьектининг маъмурияти, бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари

киритилади. Ишчи гурӯҳ тарқибига, шунингдек, оммавий тадбирни ўтказиш вактида зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юкланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг худудий бўлинмаси ва ички ишлар органининг вакиллари киритилади”;

д) 44-банддаги “ички ишлар органи ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмасини” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг худудий бўлинмасини ва худудий ички ишлар органини” сўzlари билан алмаштирилсин;

е) 58-банд “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари” сўzlаридан кейин “ҳарбий хизматчилари ва” сўzlари билан тўлдирилсин;

ж) 61-банднинг учинчи хатбошидаги “ёнғин хавфсизлиги” сўzlари “ёнғин-қутқарув бўлинмалари” сўzlари билан алмаштирилсин;

з) 67-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“оммавий тадбирни ўтказиш объектининг кўринарли жойларида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги белгилари, эвакуация қилиш кўрсаткичларини, ҳаракатланиш қоидаларини, схемалари, режалари ва йўриқномаларини, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини жойлаштириш”;

и) 69-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“69. Оммавий тадбирларни ўтказиша ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг мажбуриятлари:”;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“оммавий тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш даврида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини, йўл ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўлинмалари, бошқа манфаатдор ташкилотлар, оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан ҳамкорликни амалга ошириш”;

ўн иккинчи хатбошидаги “ёнғинга қарши” сўzlари “ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши” сўzlари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси” сўzlари “ўзаро, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“оммавий тадбирларни ўтказиша объектнинг кўрсатилган жойларида захира кучлари ва воситаларининг жанговар шай ҳолатини таъминлаш;

террорчиларни қўлга олиш, заарсизлантириш ва йўқ қилиш тадбирларини амалга ошириша иштирок этиш”;

ўн олтинчи хатбоши ўн саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи хатбоши куйидаги таҳирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси худудий бўлинмалари ва ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари мумкин”;

к) 70-бандда:

биринчи хатбоши куйидаги таҳирда баён этилсин:

“70. Оммавий тадбирларни ўтказиша ички ишлар органларининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг ҳукуқлари:”;

еттинчи хатбоши куйидаги таҳирда баён этилсин:

“захира кучларини шакллантириш”;

куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“оммавий тадбирни ўтказиш объектида фавқулодда вазиятлар юзага келганда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги маҳсус режаларга мувофиқ зарур чоралар кўриш”;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши куйидаги таҳирда баён этилсин:

“Ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳукуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин”;

л) 70¹ ва 70²-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

м) 70⁵-бандда:

куйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

оммавий тадбирларни ўтказиш даврида фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда улар тўғрисида оммавий тадбир иштирокчиларини ўз вақтида огохлантириш ва хабардор қилишни ташкиллаштириш”;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

н) 70⁶-бандда:

иккинчи хатбошидаги “объектини олдиндан текшириш” сўзлари “объектида белгиланган тартибда профилактик тадбирларни амалга ошириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“оммавий тадбирлар ўtkaziladigan ob'ektlar tujrisida vazirlik zimmasiiga yuqlangan vazifalarni bajarish uchun davlat boşqaruvi organlari, xujaliq birlaşmalari, maħallij davlat ҳokimiyati organlari, jismoniy va yuridik şahslardan zarur ma'lumotlar va axborotlarni súrab olish;

оммавий тадбирлар ўtkaziladigan ob'ektlarda vazirlik faoliyatiga oid xujjatlari talablari buziliishi ҳolatlari aniqlanganda, belgilanган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ҳамда зарур ҳollarda kamchiliklar aniqlangan ob'ektlarda om mavii tadbirlar ўtkaziliшини taqiklash”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

о) 70¹¹ ва 70¹²-бандлар куйидаги таҳxирда баён этилсин:

“70¹¹. Ом mavii tadbirlarни ўtkazišda kuyidagilar Qoraqalpogiston Respublikasi Vazirlar Kenqashi, viloyatlari va Toškent shaҳar ҳokimliklарининг vazifalari ҳisoblanadi:

оммавий тадбирларни ўtkaziš ob'ektlari rüyhatini ūzinining rasmiy web-saytlariда эълон қилиш;

зарурatga kўra Qoraqalpogiston Respublikasi Ichki išlar vazirligi, Toškent shaҳar va Toškent viloyati ichki išlar boş boşqarmasi, viloyatlardan ichki išlar boşqarmalari súroviga asosan ūz hodimlarinining komissiya faoliyatida ištirokinini taъminlash.

Qoraqalpogiston Respublikasi Vazirlar Kenqashi, viloyatlari va Toškent shaҳar ҳokimliklari qonunchilikka muvofiq boşqa vazifalarni ҳam amalga oshiriishi mumkin.

70¹². Om mavii tadbirlarни ўtkazišda kuyidagilar Qoraqalpogiston Respublikasi Vazirlar Kenqashi, viloyatlari va Toškent shaҳar ҳokimliklарининг xukуклари ҳisoblanadi:

оммавий тадбир ўtkaziladigan ob'ektni tegishli xududda joylashgan birinchi toifadagi om mavii tadbirlarни ўtkaziš ob'ektlari rüyhatiga kiritiш бўйича takliflarни Ўзбекистон Respublikasi Vazirlar Maҳkamasiga taқdim etiш;

tumanlar (shaҳarlari) ҳokimliklарининг takliflariiga muvofiq ikkinchi toifadagi om mavii tadbirlarни ўtkaziš ob'ektlarinining rüyhatini tasdiqlash;

айрим оммавий тадбирларни алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш обьектларининг рўйхатларига киритилмаган жойларда ўтказиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

ушбу Қоидаларнинг 9-бандида кўрсатилган оммавий тадбирларни ўтказиш обьектларини (жойларини), уларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин”;

п) қуидаги мазмундаги 70¹³ ва 70¹⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

“70¹³. Оммавий тадбирларни ўтказишда қуидагилар туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг вазифалари ҳисобланади:

тегишли худудда жойлашган оммавий тадбирларни ўтказиш обьектлари рўйхатини ўзининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

заруратга кўра туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) сўровига асосан ўз ходимларининг комиссия фаолиятида иштирокини таъминлаш;

сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар ўтказиш ҳақида хабарномани олган куннинг ўзида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг худудий бўлинмасига (оммавий тадбир биринчи тоифадаги обьектда ўтказилганда) ёки худудий ички ишлар органига (оммавий тадбир иккинчи тоифадаги обьектда ўтказилганда) билдиришнома юбориш.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

70¹⁴. Оммавий тадбирларни ўтказишда қуидагилар туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ҳуқуқлари ҳисобланади:

оммавий тадбир ўтказиладиган обьектни тегишли худудда жойлашган алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифалардаги оммавий тадбирларни ўтказиш обьектлари рўйхатларига киритиш бўйича таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этиш;

оммавий тадбирни ўтказиш обьектларига туташ худудларнинг чегараларини белгилаш.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақидаги низомда:

а) 31-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Хуқуқбузар унга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичидаги жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичидаги жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади ва бу “Е-та’мурій ish” тизимида акс эттирилади, қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно”;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилади”

б) 58-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“жарима солиши тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичидаги жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичидаги жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилиниши мумкинлиги”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали руҳсат этиш хусусиятига эга айrim ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга 11-иловада:

а) 4-позициянинг учинчи устуни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“а) Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари – биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш учун;

туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бўлимлари – иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш учун”;

б) 10-позициянинг учинчи устуни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Мавжуд эмас”;

в) 12-позициянинг учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Алоҳида тоифадаги оммавий тадбир – “Янги йил”, “Наврўз байрами”, “Мустақиллик куни”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш”, “Рўза ҳайит” (Ийд ал-Фитр), “Курбон ҳайит” (Ийд ал-Адҳа), “Рождество Христово”, “Пасха” байрамларини нишонлашга доир тадбирлар, таълим муассасаларида ўқишига қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказиш, умумтаълим мактабларида ўқув йилининг бошланиши ва тугашига бағишлиланган, сайлов ва референдумларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган тадбирлар ҳамда футбол бўйича халқаро миқёсдаги учрашувлар”;

иккинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи ва тўртингчи хатбошилар қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“биринчи тоифадаги оммавий тадбир – Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари худудида ўтказиладиган алоҳида тоифадаги оммавий тадбир тоифаларига кирмайдиган оммавий тадбир;

иккинчи тоифадаги оммавий тадбир – алоҳида ва биринчи тоифадаги оммавий тадбирлар тоифасига кирмайдиган оммавий тадбир”.

